

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Т.Бакиров

Комплекс сонлар: мактаб ва олий ўқув юртида..... 6

КИМЁ

Ф.Умуров, М.Амонова, М.Амонов

Флокулянт ва адсорбентлар ёрдамида оқова сувларни тозалаш жараёнини ўрганиш 13

С.Хушвақтов, М.Жураев, Д.Бекчанов, М. Мухамедиев

Поливинилхлорид асосидаги азот ва олтингургурт тутган поликомплексонга кобальт (II) ва хром (III) ионларининг сорбцияси..... 19

А.М.Хурмаматов, О.Т.Маллабаев, О.К.Ергашев

Нефтни қайта ишлаш корхоналарида фойдаланиладиган техник сувнинг қаттиқлигини пасайтириш ва юмшатиш бўйича тадқиқот натижалари 27

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

О.И.Абдуғаниев, Б.А.Ўринова

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими ва барқарор ривожлантириш стратегияси..... 34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Абдуллаев, К.Курпаяниди

Рақамли иқтисодиётда бизнес юритиш хусусиятлари 39

С. Исмоилова

Маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўл-йўриқлари 44

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

М.Тошбекова

Глобаллашув шароитида мафкуравий тўқнашув ва унинг оқибатлари 50

А. Юлдашев

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясининг фаолиятини ривожлантириш хусусида 57

Д.Тошалиев

Рост мақомидан сарахбори рост шуъбасининг таҳлилий масаласига доир 63

ТАРИХ

М.Х. Исамиддинов, З.О. Раҳманов

Саразм ва Фарғона: ўзаро таъсир ва алоқалар 68

Х.Эшов

Маънавий таҳдидларга қарши кураш тушунчасининг генезиси ва эволюцияси 75

Р.Арслонзода, Х.Мамуров

Совет ҳокимияти оппонентларининг эсдаликлари тарихий манба (Ўзбекистон материаллари) асосида 82

У.Халмуминов

“Насабнома”ларда илк ўрта асрлар Фарғона тарихининг акс этиши 86

Н.Ҳамаев

Мухториятнинг тугатилиши ва истиқлолчилик ҳаракатининг бошланиши жадид матбуоти кўзгусида 91

D.Ismoilova, M.Khaitova

XIX охири - XX аср бошларида Ислон динининг Туркистон ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролининг тарихшунослиги ва манбашунослиги..... 97

УДК 008:004: 323 (575.1)

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАФКУРАВИЙ ТЎҚНАШУВ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ СТОЛКНОВЕНИЯ И ИХ ПОСЛЕДСТВИЯ В УСЛОВИЯХ
ГЛОБАЛИЗАЦИИTHE IDEOLOGICAL CONFRONTATION AND ITS CONSEQUENCES IN THE CONTEXT
OF GLOBALIZATIONМ.Тошбекова¹¹ М.Тошбекова

ЎзМУ, таянч докторант.

Аннотация

Мақолада глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаетган турлича таъсири, унинг дунё мамлакатларининг иқтисодий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсатига қандай боғлиқ эканлиги, “глобаллашув” атамасининг илмий-назарий асослари, глобаллашув жараёнларининг хусусиятлари, дунё халқлари ахборот оқимининг тезлашувига таъсир этиш йўллари, унинг мураккаб ҳодиса сифатида дунёнинг мафкуравий манзарасини намойиш этаётганлиги хусусида фикр юритилган.

Аннотация

В данной статье речь идёт о различном воздействии глобализации на разные страны, о её влиянии на экономический, политический, информационный, идеологический потенциал держав мира; о научно-теоретических основах термина «глобализация», особенностях процесса глобализации, путях ее воздействия на ускорение информационного потока народов мира, а также она рассматривается как сложное явление, демонстрирующее идеологическую картину мира.

Annotation

This article discusses the different effects of globalization on different countries, how it relates to the economic, information, spiritual potential and politics of the world. It also presents the information on the theoretical foundations of the term “globalization”, the nature of globalization processes, the ways in which people of the world are influenced by the acceleration of information flows, and its reflection of the ideological picture of the world as a complex phenomenon.

Таянч сўз ва иборалар: глобаллашув, глобаллашув даври, мафкуравий таҳдидлар, маънавий хуружлар, мафкуравий полигон, таълим-тарбия, компьютер, интернет, “оммавий маданият”, терроризм, экстремизм, таҳдидлар олдини олиш.

Ключевые слова и выражения: глобализация, эпоха глобализации, идеологические угрозы, идеологический полигон, воспитание и обучение, компьютер, интернет, «массовая культура», терроризм, экстремизм, предотвращение угроз.

Keys words and expressions: globalization, globalization epoch, dogmatic threat, ideological polygon, education and upbringing, computer, internet, “mass culture”, terrorism, extremism, to prevent a threat.

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан бирорта ҳам давлат четда қолгани йўқ. Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаетган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсати қандай эканлиги билан боғлиқ.

Бугунги кунда “глобаллашув” сўзи энг кўп ишлатиладиган тушунчадир. Бу, бежиз эмас, ушбу тушунча инсон ва жамият ҳаёти ривожининг ҳозирги давридаги муҳим хусусиятларни, жумладан, тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, кишилиқ цивилизацияси бугунги кунгача бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир

воқелиқни ўзида мужассам этади. Бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмайди. Илмий адабиётларда глобаллашувнинг турли жиҳатлари фарқланади. Глобаллашув (глобализация) – лотинча «глоб» сўзидан олинган бўлиб, айнан уни «думалоқлашув», «қуралашув» деб таржима қилиш мумкин. Ер шарининг, Ер қуррасининг фан-техника ютуқлари туфайли инсоният ихтиёридаги худди бир бутун шарга, қуррага айланишини тушунтириш учун ишлатилади. Инсоният тараққиёти айни вақтда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш жараёнидир. Бу жараён асрдан асрга, минг йиллар давом этган ва давом этади.

Глобаллашув – турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти,

одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайиши. Глобаллашувга берилган таърифлар жуда кўп. Француз тадқиқотчиси Б.Банди таърифида глобаллашув жараёнининг 3 ўлчовли эканлигига урғу берилади:

1. Глобаллашув - муттасил давом этадиган тарихий жараён.

2. Глобаллашув - жаҳоннинг гомогенлашуви (бир жинсли) ва универсаллашуви жараёни.

3. Глобаллашув - миллий чегараларнинг «ювилиб кетиш» жараёни.

Россиялик А.Паршев глобаллашувга куйидагича таъриф беради: «Аслида, глобаллашувнинг асосий мазмуни бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қўшимча қийматини, дунёдаги асосий заҳираларини ўзлаштиришдан иборат». Глобаллашувнинг ижобий томони шундан иборатки, у халқларнинг, давлатларнинг, миллий маданият ва иқтисодиётларнинг яқинлашишини тезлаштиради, уларнинг ривожланиши учун янги имкониятлар очади.

Глобаллашувнинг салбий томони шундан иборатки, кўп минг-минг майда, қоқоқ этник гуруҳлар ва миллатларнинг маданияти, тили, расм-русмлари жаҳон бўйлаб кучайиб бораётган глобаллашув жараёнларида катта миллатлар, йирик миллий маданиятлар, бой тиллар билан рақобатлаша олмай, ўз-ўзидан фаол ижтимоий-иқтисодий, лисоний-забоний ҳаётдан четга чиқиб қолмоқда.

Глобаллашув жараёни мураккаб ҳодисадир. Унинг таъсири мураккаблиги сабабли унга нисбатан ҳам жаҳонда бирига қарши, муҳолифатда бўлган икки гуруҳ: 1) глобалистлар ва 2) аксилглобалистлар гуруҳлари вужудга келди.

1. Глобалистлар – глобаллашув тарафдорлари. Улар орасида давлат арбоблари, сиёсатдонлар, саноатчи ва бизнесменлар кўпроқ учрайди. Масалан, Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тараққиёти ва тикланиш банки ташкилотлари глобалистлар таъсирида вужудга келди.

2. Аксилглобалистлар – глобаллашув муҳолифлари бўлиб, улар орасида кўпроқ сўл кучлар, касаба уюшмалари ва ёшлар

ташкilotининг вакиллари бор. МДХ ҳудудида аксилглобалистлар Россия Федерацияси ҳудудида фаол ҳаракат олиб бормоқда. Бу ерда улар турли анжуманлар, семинарлар ўтказиш учун тўпланиб турадилар. Масалан, россиялик файласуф ва ёзувчи А.Зиновьев «Аксилглобализм векторлари» номли анжуманда шундай деган эди: «Глобаллашув янги жаҳон урушидир. У янги типдаги жаҳон уруши. Бу урушда тирик қолишнинг қаршилиқ кўрсатишдан бошқа йўлини кўрмаяпман. Фақат қаршилиқ!». Дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнларнинг жадаллашиши оқибатида тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва фундаментализм, ирқчилик ва диний экстремизм мафкураларининг тобора кучайиши дунёда инсон қалби ва онгини эгаллаш учун курашни кучайтирмоқда. Бу ҳол бугунги кунда дунёнинг мафкуравий манзарасини белгилаб бермоқда. Глобаллашув жараёнида кишилар интернетдан хоҳлаган манбани топади. Интернет кўпчилиқни бирлаштиради ёки ажратиши ҳам мумкин, бундан ташқари, агрессив мақсадда ишлайди, яъни у мафкуравий уруш қуроли бўлиб, у илмда «кибертерроризм» дейилади. Глобаллашув жараёнида дунёда содир бўлаётган воқеалар ва ҳаракатлар тезликда интернет тармоқлари орқали тарқалади. Бу эса ахборот-коммуникация дунёсининг ривожланишидан далолат беради. Албатта, бугун интернет майдони сайёрамиздаги мавжуд ҳар хил маданиятлар, ғоялар, қадриятлар ва манфаатларни ўзида акс эттирган ягона глобал тармоқдир, аммо баъзи масалаларни кенг миқёсда назоратга олишни тақозо қилмоқда. Бундайлар сафига терроризмни парваришловчи, диний экстремистик ғоялар тарқатувчи, порнография каби ахлоқсизликка мойилликни ривожлантирувчи сайтларни киритиш мумкин. Глобаллашув шароитида интернет орқали мафкуравий ғоявий таъсир ўтказишнинг ўзига хос жиҳати у катта маблағ талаб қилмаган ҳолда юқори самара беради. Шу тариқа, ижтимоий тармоқлар орқали жамиятга турли-туман ахборот ва маълумотларнинг тарқатилиши ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Натижада, ўзида ёт ғояларни акс этувчи ахборотнинг ёшлар онгига сингдирилиши оқибатида салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Интернет ва бошқа коммуникация воситаларининг ўта ривожланиб кетиши ахборот тарқатиш, хусусан, ғоявий-мафкуравий таъсир ўтказиш имконини борган сари кенгайтириб юбормоқда. Интернет тармоғи бугунги кунда мафкуравий таъсир ўтказиш ниҳоятда ўткир қуролга айланаётгани ёшлар қалби ва онгига таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари ўз ғояларини интернет веб-саҳифаларида ўзларининг бир қатор порталлари орқали тарғибот ва ташвиқот қилишмоқда.

Миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари томонидан “Христиан портали”, “Интернет-черков”, “Инжил нима дейди”, “Дўзахдаги вазият”, “Черков ва юз доллар”, “Худо билан уяли алоқа”, “Жаннатга кириш махфий коди” каби сайтлардан фойдаланиши аниқланган. Бугун дунёнинг Голландия, Швейцария, Дания, Япония, Хитой, Ўзбекистон, Россия каби давлатларнинг қонунчилигида ёшларнинг руҳияти ва маънавий ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Бугунги кунда дунёнинг мафкуравий манзараси ҳамда глобаллашув шароитида мафкуравий тўқнашув ва унинг оқибатлари ҳақида фикр юритсак, унинг замирида узоқ ва яқин минтақада ўзига керакли ижтимоий фикр оқимини шакллантириш, ёшлар қалби ва онгини “мўлжалли ўзгартириш” “айрим” мамлакатларда долзарб вазифа сифатида илгари сурилмоқда. Бундай ғоявий - мафкуравий таъсир кўрсатиш орқали ёшларимизнинг қалби ва онгини забт этиш мақсадида ўзида бузғунчи ва ғаразли мақсадларни намоён этувчи, халқимиз менталитетига мутлақо зид бўлган ғоявий - мафкуравий таъсирлардан мунтазам сезгир, огоҳ, ҳушёр бўлиш орқали ёшларимизни турли хил ёт оқим ва ғоялар таъсирига тушиб қолишдан асраш Ватанимизнинг истиқболдаги бурчи эканлигини ҳар бир юртдошимиз англаши лозим.

Бизга маълумки, “мафкура” тушунчаси фанда чуқур таҳлил қилинган тушунчалардан бири ҳисобланади. Уни

биринчи бўлиб илмий истеъмолга XVIII аср француз файласуфи ва сиёсатчиси А.Дестют де Траси тақлиф қилган бўлиб, у бу атамани инсоний ҳиссий тажрибадан келиб чиқадиган ғоялар доктринаси сифатида талқин қилган. Дестют де Траси табиий маълумотлар каби “мафкура” ҳам аниқ илмий бўлиши керак, деб ҳисоблаган.[1,336] Н.М.Сирота ўзининг “Идеологии в современном мире” асарида мафкуранинг функцияларига эътибор қаратади. У “мафкура томонидан амалга ошириладиган энг муҳим функцияларга қуйидагилар киради: билим (инсон фаолияти маъносини изоҳлаш); мобилизация (шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг бирлашувини таъминлаш); интеграцион (сиёсий социализм ва одамлар уюшмасини амалга ошириш); амортизация (ижтимоий зиддиятларни юмшатиш); қонунийлаштирувчи (ҳукмронлик синфида ҳокимият мавжудлиги ёки ўзгариш зарурати сабаби). Шу билан бирга, бу функцияларнинг бажарилиши догма ва мутлақлик каби мафкуравий хусусиятлар билан белгиланади. Мафкура тарафдорлари уларда мавжуд ғоялар ва қадриятларга тўлиқ риоя қилишлари керак” [2,16], дея изоҳлайди. Ундан ташқари, Н.М.Сирота дунёда “70-йилларда “қайта идеологизация” га эришиш истаги пайдо бўлганлигини, бироқ бугунги кунда мафкуралар ҳақида умумий ёндашув мавжуд эмас” [3,16]лигини ҳам эътироф этади.

Ю.А.Кокарева ўзининг “Глобализация и национальная безопасность: факторы взаимовлияния” номли мақоласида жамият барқарорлиги учун мафкура зарурлигини таъкидлаб, “жамият билан мафкура орқали шахсни ёки ижтимоий гуруҳни идентификациялашнинг йўқлиги тартибсизлик, коррупциянинг юқори даражаси ва бошқаларга олиб келади. Чунки, бундай шароитда шахс ёки ижтимоий гуруҳ ўз манфаатларини миллий манфаатлардан устун қўяди. Шу билан бирга, миллий мафкуранинг мавжудлиги ва фаолияти “бегона” мафкуранинг зарарли таъсирига қарши туриш ва жамиятнинг нормал ривожланишини, айниқса инқирозлар ва таҳдидлар шароитида қўллаб-қувватлаш имконини беради [4,981], дея изоҳлайди.

Бугунги кунда мафкура масаласига бевосита давлат раҳбарларининг ҳам ўзига хос ёндашувлари мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан мафкурага шундай таъриф берилди: “Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараш ва минталитетига асосланган, айна вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажигини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан” [5,11].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам мафкура масаласига ўз эътиборини қаратиб, “мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озик керак. Агар шу озикни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтишлар? Бундай озикни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана, гап нима ҳақида кетяпти!” [6.], дея таъкидлайди.

Худди шунга ўхшаш фикрлар Россия Федерацияси Президенти В.В.Путинда ҳам учрайди. У “идеология ахборот хавфсизлиги ва мафкуравий қарама-қаршилик шароитида миллий хавфсизликни таъминловчи омиллардан биридир. Тўғри ривожланмаган ва умуман олганда қабул қилинган мафкуранинг йўқлиги “мафкуравий вакуум”ни яратади, бу ҳолат жамият ва давлатнинг миллий хавфсизлиги мақсадларига зид бўлиши мумкин бўлган “бегона” мафкуралар томонидан тўлдирилади” [7.], дея таъкидлайди.

Мамлакатимиз олимлари тадқиқотларида ҳам мафкура масаласи анча кенг ўрганилган. Жумладан, Ж.Туленов, К.Супов ва З.Ғафуровлар томонидан “мафкура – жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар, миллатлар ва элатлар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, давлат ҳокимиятининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик, фалсафий қарашларининг тизимлаштирилган билимлар йиғиндисидан ташкил топади” [8,12] дея изоҳлаган бўлса, Х.Т.Одилқориев

ва Д.Х.Раззоқовлар томонидан “мафкура” арабча сўздан олинган бўлиб тор, маънода қарашлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи деган маънони англатади. Кенг маънода мафкура – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуидир. Ғарб мамлакатлари тилларида мафкура “идеология” атамаси воситасида қўлланилади”[9,338], дея изоҳланади.

С.Мамашокиров ва Ш.Тоғаевлар томонидан эса, “мафкура – ғоянинг манфаатлашган мазмуни, шакли, қисми, томони, кўриниши, қиёфаси ва характери дир. Айна пайтда, мафкуранинг амал қилишида одамларнинг ундаги ғояларга бўлган ишонч – эътиқоди муҳим ўрин тутди. Бу ҳолда мафкурани тавсифловчи асосий омиллар: а) кишиларнинг талаб, эҳтиёж – манфаатлари ва уларни қондириш усул – восита, механизмлари; б) ғояларга бўлган ишонч – эътиқоднинг намоён бўлиши дир” [10,10], дея таърифланади. Мамлакатимиздаги ёш олимлардан бири Б.Бердиев ўз тадқиқот ишида жамият барқарорлигини таъминлашда мафкура масаласига эътибор қаратиб, “ҳар қандай мамлакатнинг бир тизимдан иккинчисига трансформациялашувида, халқнинг жипслигини таъминлайдиган, унинг дунёда глобаллашув жараёнларида юз берадиган ҳар қандай таҳликали ўзгаришларга бардошлилигини оширадиган, омил – бу, миллатнинг ўз ғояси, мафкурасини яратиш ва уни халқ онига синдириш дир”[11,30], дея таъкидлайди.

Яна бир ёш тадқиқотчи Д.М.Маматқуловнинг фикрича, “Мафкура уч таркибий қисмдан ташкил топади. Улар: 1. Муайян тизимга солинган (илмий, фалсафий, диний ва бошқа томондан асосланган) ғоялар, категориялар, принциплар мажмуи.

2. Мафкурадаги ғоялар, категориялар ва принципларни жамиятга татбиқ этувчи субъектив омиллар (мафкуравий институтлар, муассасалар, ташкилотлар).

3. Ғоя ва категорияларни жамиятга татбиқ этиш жараёнида қўлланилган йўллар, усуллар ва воситалар дир. Жамиятнинг мақсадга эришувида мафкурадаги ушбу таркибий қисмларнинг роли беқиёс. Уларни мафкуравий амалиётдаги баробар

ҳаракатигина жамиятни мақсад томон олиб боради. Аксинча бўлса, ушбу мафкура нуқсонли бўлиб, жамиятда ўз етакчилигини йўқотади”.[12,143] Юқоридаги таъриф ва таҳлиллардан кўриниб турибдики, мафкура жуда серқирра ижтимоий феномен ҳисобланади. Ушбу феноменнинг турли томонларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш жамиятда мафкура амалиётини тўғри йўлга қўйишни таъминлайди. Бинобарин, тўғри йўлга қўйилган мафкура амалиёти жамият сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларининг ривожланишига катта туртки беради.

Шунга кўра, илмий тадқиқотимизда мафкура ва унинг таркибий қисмига тегишли бўлган мафкуравий категорияларни ўрганиш ҳамда уларни фуқаролар сиёсий маданиятига таъсирини тадқиқ этиш мақсад қилинган.

Кўриниб турибдики ҳозирда мафкура тушунчаси бўйича таҳлил ва таърифлар талабгина. Ушбу таърифларда умумийлик билан биргаликда хусусийлик, яъни, муаллифларнинг шахсий ёндашувлари ҳам акс этган. Таъкидлаш керакки, мафкура тушунчаси фанда кўп тадқиқ этилган бўлса-да, бироқ, ҳозирда илмий ишимизда ишлатилаётган мафкуравий категория тушунчаси фанда кам тадқиқ қилинган тушунча ҳисобланади. Мафкуравий категория тушунчасидан фарқли ўлароқ категория тушунчаси фан учун янгилик эмас. Жумладан, ушбу тушунча, Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида: “Категориялар (юн.kategoria-мулоҳаза, фикр, белги) (фалсафада)-воқеликдаги ҳодисалар ва билишнинг муҳим, умумий хусусият ҳамда муносабатларни акс эттирувчи энг умумий ва асосий тушунчалар. Категория билиш ва ижтимоий амалиёт тарихий тараққиётининг умумлашган натижаси бўлиб вужудга келган”[13.503], дея таърифланади. Барчамизга маълумки, категория тушунчаси қадимдан, асосан, фалсафа фанига дахлдор тушунча сифатида тадқиқ этилган. Бу тушунча доирасида олиб борилган илмий изланишлар ичида, айниқса, антик даврнинг машҳур файласуфи Аристотелнинг қарашлари диққатга сазовор. Аристотелнинг қарашларида категориялар – борлиқнинг асосий турлари ва босқичларига мос равишда борлиқ ҳақида, унинг хусусиятлари ва муносабатлари ҳақидаги тушунчаларнинг

турлари сифатида талқин этилади.[14.] Мазкур таъриф Аристотелнинг ўзиники эмас, аслини олганда чехиялик олим К.Берка таъкидлаганидек, Аристотелнинг асарларида категория тушунчасининг аниқ таърифини топиб бўлмайди.[15] Кўринишидан, Аристотель борлиқ ҳақидаги таълимотни яратиш олдидан ўз олдига борлиқнинг асосий турлари ёки ривожланиш босқичларини категориялар сифатида ажратиб олишни мақсад қилиб қўйган. Лекин, категорияларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқалари ҳақидаги саволлар лозим даражада ҳал этилмаганлиги сабабли, Аристотель кашф этган категориялар унинг асарларида гоҳида борлиқ ва билим, гоҳида эса тил категориялари сифатида майдонга чиқади [16.262]. Аристотель ўз асарларида биз фикр юритаётган мафкуравий категорияларга нисбатан мос келувчи тил категориялари мавжудлигини эътироф этади. У тил категорияларининг таҳлил қиларкан, уларнинг икки гуруҳини ажратиб кўрсатади: 1) алоҳида ажратилган сўзлар ва 2) сўзларнинг гапдаги ўзаро алоқалари. Бу алоқалар тушунча ва ифодалар синфлари шаклида намоён бўлади.[17.262] Аристотель томонидан тил категорияларини таҳлил қилиниши натижасида ажратиб кўрсатилган гуруҳлар мафкуравий категорияларнинг вужудга келиши, тузилишини ва амалиётдаги ҳаракатини эслатади. Бинобарин, мафкуравий категориялар ҳам биринчидан, алоҳида ажратиб олинган тушунчалар ҳисобланади, яъни улар кундалик ҳаётдан назарий онг даражасида ўрганилиб, муайян мафкура учун ажратиб олинади. Иккинчидан, мафкуравий категориялар бир-бири билан ўзаро қонуний ва мутаносиб ҳолда боғланган асосий тушунчалар ҳисобланади. Мазкур хусусиятлар уларни кундалик онг даражасидаги тушунчалардан фарқланиб, мафкуравий категориялар шаклида намоён бўлишини таъминлайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, буюк файласуф Аристотелнинг асарларида биз назарда тутаётган мафкуравий категорияларга ўхшаш жиҳатлар учраса-да, лекин уларда соф фалсафий категориялар таҳлил этилган. Аристотель томонидан олиб борилган фалсафий категорияларнинг таҳлиллари шу даражада чуқур мазмунга

эгаки, албатта, улар ҳозирда янги тадқиқот йўналиши бўлган мафкуравий категорияларни ўрганиш иши учун ҳам методологик манба бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, мафкуравий категориялар фанда кам тадқиқ этилган бўлса-да, ушбу тушунчага доир ёндашув тадқиқотчи Д.М.Маматқуловнинг ишида қисман учрайди. Унда тадқиқотчи, “мафкуравий категориялар деганда, бу, методологик ва дунёқараш мазмунига эга бўлган, мафкуравий билиш ҳамда мафкуравий амалиёт натижасида вужудга келиб, ғоявий тус олган ва ўзаро бир-бири билан қонуний боғланган асосий тушунчалар тушунилади. Ушбу тушунчалар кундалик онг натижасида эмас, балки назарий онг натижасида вужудга келганлиги билан ҳам оддий тушунчалардан фарқланади [12,143], дея таъриф беради. Ушбу таърифи орқали тадқиқотчи бу орқали ҳозирда мафкуравий амалиётда инсон дунёқарашига таъсир кўрсатувчи, кишиларга борлиқ мазмун-моҳиятини тушунишларига ёрдам берадиган тушунчаларни ягона бир атама билан номлаш таклифини беради.

Тадқиқотчи томонидан мафкуравий категориялар мазмунини белгиловчи қуйидаги мезонлар мавжудлиги таъкидланади:

1. “Мафкуравий категориялар муайян мафкуравий таълимот билан бирга вужудга келади ва ана шу мафкура монополиясида бир-бири билан қонуний боғланган ҳолда ҳаракатланади.

2. Мафкуравий категориялар қайси миллат тилида яратилган бўлса, мафкуравий амалиётда ҳам улар ҳеч бир миллат тилига таржима қилинмасдан қўлланилади.

3. Улар ҳажм жиҳатдан бир ёки икки сўздан иборат бўлади (бу, уларни тушунча ҳажми қанча кенгайса, мазмун шунча тораяди, аксинча, тушунча ҳажмини қисқалиги унга кенг мазмун бахш этади,[19,72] деган тескари нисбат қонунига бўйсунушлигини кўрсатади).

4. Улар жозибадор ва инсон руҳиятига таъсирчан бўлиб, макон ва замон эҳтиёжларини ўзларида яхлит ва дихотомик [20.79] тарзда намоён этади.

5. Мафкуравий амалиётда улар ўзларининг рақибларига нисбатан ўта муросасиз бўлади.

6. Мавжуд мафкуранинг мақсади қандай моҳият (бунёдкорлик ёки вайронкорлик)га эга бўлса, ундаги категориялар ҳам шу мақсаддан келиб чиқиб, борлиқни ўзларида ифодалайди.

7. Мафкуравий категориялар инсонлар учун билиш, баҳолаш ва фаолият юритиш мезонини кўрсатувчи образли белги хисобланади.

Ана шу мезонларга тўғри келадиган мафкуравий категориялар таснифланганда асосан уч турга бўлинади. Яъни, улар:

1. Идеал [21.122] (позитив) образларни ифодаловчи категориялар.

2. Ноидеал (негатив) образларни ифодаловчи категориялар.[17.]

3. Ҳолат ва жараён [18.112]ларни ифодаловчи категориялар”.[12,143]

Мафкуравий категориялар бўйича юқорида берилган таъриф ва таклифлар ҳозирда олиб бораётган тадқиқот ишимизни мазмунан бойитади ва ушбу соҳада тадқиқотимизни янада чуқирлаштиришга ундайди.

Таъкидлаш керакки, Д.Маматқуловнинг муаллифлик ёндашувида мафкуравий категориялар асосан уч турга бўлинади. Улар:

1. “Идеал (позитив) образларни ифодаловчи категориялар.

2. Ноидеал (негатив) образларни ифодаловчи категориялар [17.].

3. Ҳолат ва жараёнларни ифодаловчи категориялар” [12,143].

Мафкуравий категорияларнинг ушбу таснифига қўшилиш мумкин, лекин, бу ерда ишлатилган идеал (позитив) ва ноидеал (негатив) тушунчаларини янада оддийлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизнингча, идеал тушунчасидан позитив сўзини, ноидеал (негатив) образларни ифодаловчи категориялар тушунчаси ўрнига эса бутунлай янги тушунча – душман образларни ифодаловчи категориялар тушунчаси ишлатилса, мақсадга мувофиқ келади. Зеро, масалага бу тариқа ёндашув, мафкуравий категориялар орқали мафкуравий амалиётдаги зиддиятни, борлиқнинг қарама-қарши моҳиятини янада аниқроқ ифодалаш имкони вужудга келади.

Хулоса қилиб айтганда, мафкура тушунчаси бугунги фан учун маълум бўлиб, хориж ҳамда юртимиз олимлари томонидан

чуқур таҳлил этилган. Бироқ мафкура тушунчаси чуқур таҳлил этилган бўлса-да, унинг таркибий қисмларидан бири бўлган мафкуравий категория тушунчаси сиёсатшунослик фани учун янги тушунча ҳисобланади. Тўғри, мазкур тушунчанинг асосини ташкил этувчи мафкура ва категория тушунчалари алоҳида-алоҳида ҳолда фанда мавжуд. Улар ўз вақтида тадқиқотчи-олимлар томонидан тадқиқ

этилган. Жумладан, шу вақтга қадар категория тушунчаси асосан фалсафа фани доирасида ўрганилган ва таърифланган. Лекин сиёсий ва мафкуравий амалиётда кишиларнинг билиши, баҳолаши ва фаолият юритишига бевосита таъсир этадиган, дунёқараш функциясига эга бўлган тушунчаларни ифодаловчи мафкуравий категория тушунчаси тўлиқ ўрганилмаган.

Адабиётлар:

1. Дестют де Траси . Основы идеологии. – М.: Академический проект; Альма-Матер, 2013.
2. Сирота Н.М. Идеологии в современном мире. 2013.
3. Кокарева Ю. А. Глобализация и национальная безопасность: факторы взаимовлияния // Молодой ученый. 2015. - № 9.
4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. –Т.: «Ўзбекистон», 1998.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июнь куни –Тошкент, шаҳрида "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. <http://uza.uz/oz/politics/vatanimiz-ta-dir-i-va-kelazhagi-y-lida-yanada-amzhi-at-b-lib--15-06-2017>
6. Путин В.В.: Заключительное слово на заседании Государственного совета «О государственной поддержке традиционной народной культуры в России» / Совет Безопасности РФ. - <http://www.scrf.gov.ru/news/142.html>
7. Туленов Ж., Сулов К., Гафуров З. Истиқлол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари. Тошкент. «Ўзбекистон», 1993.
8. Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. – Т.: «Ўқитувчи», 2008.
9. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. –Т.: «Маънавият», 2007, 10-бет.
10. Бердиев Б.О. Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари. сиёсий. фан. бўйича фал. док. (PhD) ... дис. автореф. – Т., 2019.
11. Маматкулов Д.М. Малака ошириш жараёнида умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. Пед. фан. бўйича фал. док. ... дис. —Т.: 2018.
12. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Т.:«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашр. №4. 2002. - 502-503-бет.
13. Асмус В.Ф. Античная философия. Москва. «Высшая школа», 1999.
14. Berka K. Uber einige Probleme der Interpretation der Aristotelischen Kategorienlehre // Acta antiquae Academiae scientiarum Hungaricae. T. VIII. Fasc. 1-2. Budapest, 1960.
15. Асмус В.Ф. Античная философия. Москва «Высшая школа», 1999.
16. Дихотомик (грек. δίχα – ва, home – икки қисмга ажратиш) – тушунчани ўзаро зид бўлган иккита тур тушунчага ажратишдан иборат. Қаранг:
17. «Идеал» - юнунча сўз бўлиб, «андоза», «намуна», «норма» деган маъноларни англатади. Қаранг: Идеал. Новейший философский словарь. – Минск, 1999.стр.-252. «Идеал (юн. idea – тимсол, ғоя, тушунча) – орзу-интилишларнинг олий мақсади. Идеал кенг маънода у ёки бу нарса, ҳодисанинг энг яхши, энг қадрли, энг мукамал ҳолати...» Қаранг: Фалсафа энциклопедик луғат. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашр, 2010.
18. Ноидеал (негатив) образлар ифодаловчи категориялар мафкуравий мақсадда белгиланган «андоза», «намуна» ва «норма»лардан ташқарида бўлган ҳамда уларга қаршилик қилувчи куч образларини ёритади.
19. «Жараён – муайян вақт оралиғида бўлиб ўтган ҳодисанинг давомийлиги... Табиатда рўй берувчи Ж.лар ва жамиятда рўй берувчи Ж.ларга бўлинади. Ж.лар сифат жиҳатдан фарқланади. Тафаккур Ж.и муайян мантиқий қонуниятларга бўйсунди». ". Қаранг: Фалсафа энциклопедик луғат. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашр. 2010.
20. Ноидеал (негатив) образлар ифодаловчи категориялар мафкуравий мақсадда белгиланган «андоза», «намуна» ва «норма»лардан ташқарида бўлган ҳамда уларга қаршилик қилувчи куч образларини ёритади.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).